



**БУХОРО ВА ХОРАЗМ ЖУМЎУРИЯТЛАРИ МУНОСАБАТЛАРИГА
ОИД АЙРИМ МУЛОЎАЗАЛАР**

*Раҳмонов Камол Жамолович – Бухоро давлат университети
доценти, тарих фанлари номзоди (Ўзбекистон)*

Сафаров Сухроб Сафарович - Бухоро давлат университети магистранти

Кириш

Ўзбек давлатчилиги тарихи муҳим босқич ҳисобланган Бухоро ва Хоразм шўролар жумҳуриятлари даври (1920-1924 йиллар) ҳақида фикр юритилар экан, кўпгина соҳаларда амалий ҳаракатлар, ислоҳотлар қилингани каби улар хорижий мамлакатлар билан ҳам, айти пайтда икки давлат ҳам ўзаро савдо - сотиқ алоқалари ва бошқа йўналишларда муносабатлар олиб борганлар. Мазкур дипломатик жараёнларни ўрганишда даврий матбуот материаллари бой манбавий асос бўла олади. Ўша йилларда чоп этилган “Бухоро ахбори” газетада босилган кўп сонли хабар ва мақолаларда Бухоро Республикасининг РСФСР, Туркистон АССР, ХХСР, Шарқ мамлакатларидан Эрон, Афғонистон каби давлатлар билан бирга Ғарбнинг Германия, Франция, Латвия, Чехославакия каби давлатлари билан ҳам савдо-сотиқ алоқаларига киришилганлиги баён қилинади. Қайд этилган йилларда (асосан 1920-1922 йилларда) хориж билан дипломатик ва элчилик муносабатлари ўрнатиш, ўзаро вакиллар алмашиш, турли мамлакатларда Бухоро ваколатхоналарини очиш жараёнлари кечган.

Асосий қисм

БХСР эълон қилинганидан сўнг, мустақил субъект сифатида хорижий мамлакатлар билан сиёсий ва дипломатик алоқаларга тенг ҳуқуқлилиқ асосида киришиш ҳамда жаҳон давлатлари орасида ўзининг мавқеи ва ўрнига эга бўлиш йўлида амалий қадамлар қўйди. “Бухоро ахбори” газетасида чоп



этилган БХСР ташқи алоқалари билан боғлиқ хабар ва мақолалар устида фикр юритиб, айтиш мумкинки, 1920-1922 йилларда фаол дипломатик ва сиёсий муносабатлар йўлга қўйилганлигидан воқиф бўлинади. Газеталарда республиканинг дастлабки йилларида қўшни РСФСР, ХХСР, Туркистон АССР билан ўзаро шартномалар имзолаш, дипломатик вакиллар алмашиш жараёни бошлаб юборилганлиги хабар берилади. “БХСР томонидан Хива (ХХСР)га Мирбобо Муҳсин ўғли ва Фатхулло Комил вакил бўлиб кетдилар... Русияга муваққат намоёнда бўлиб, Муҳиддин Мансуров, Нажиб Хусаинов, Мирзо Баҳром Аҳмадкул жўнаб кетди... Туркистон АССР (Тошкент)га Мирмуҳсин Фозилов элчи қилиб тайинланди. 1922 йилда эса Акмалов ва Абдувоҳидовлар элчи бўлишди... Қирғизистон Жумҳурияси (Қозоғистон АССР - К.Р.) пойтахти Ўринбург (Оренбург)га БХШЖ консули юборилғондур... Астрахан вилоятига БХШЖ фуқаролари манфаатини ҳимоя қилмак учун консул ўртоқ Абдулла Искандар юборилди...”[1],- каби маълумотлар “Бухоро ахбори” газетасида келтирилади. Юқоридаги газета маълумотлари БХСР ҳукуматининг қўшни республикалар билан дипломатик алоқалар ўрнатиш йўлидаги фаол уринишлари рўй берганлигини исботлайди. Республикалар ўртасида истиқболга мўлжалланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида икки ёқлама шартномалар тузилган, уларнинг тўлиқ матнлари эса газетага чоп этиб борилган. Шундай расмий ҳужжатлардан бири 1921 йилнинг 13 ноябрида ХХСР билан БХСР ўртасида тузилган 15 моддадан иборат шартнома матни ҳам “Бухоро ахбори” газетасида чоп этилган[2]. Мазкур матн икки республика ўртасидаги ўзаро муносабатларни таҳлили учун муҳим манба бўла олади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қуйида газета саҳифасидан айнан олинган матнни тўлиқ тарзда беришни лозим топдик. Шунингдек, Бухоро ва Хоразм халқ шўролар



жумҳуриятларининг ўзаро алоқалари билан боғлиқ хабарлар ҳам газета саҳифаларидан топилди ва жорий алифбога ўгирилди ҳамда илк бора илмий муомалага киритилди. Бу материаллар келгусида дипломатия тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун амалий ёрдам бўлади деган умиддамиз.

“Бухоро ахбори”, 70-сон, 1922 йил 11 февраль.

Бухоро Шўролар Жумҳурияти билан Хоразм Шўролар Жумҳурияти орасида боғланган мухоҳада

1-модда. Неча йиллардан буён хонлар ва амирлар қўл остида эзилиб келган Хоразм ва Бухоро мамлакатлари ўз инқилобчилари Русия мамлакатаида бошланган ижтимоий инқилобнинг таъсири оракида шўро усулида қурилган жумҳурий бир ҳукумат тузиб, атрофдагилар билан дўстлик ва тотувликда яшамоқни чин кўнгилларидан истаганлари сабабли, Бухоро ва Хоразм Шўролар Жумҳурияти ўз ўрталарида дўстликни ясамоқларини ҳар бирлари умид қилиб, ҳар икки жумҳурият бир-бирларининг хорижий ва доҳилий истиқлолини тасдиқ этадурлар.

Бухоро ва Хива меҳнаткашлари бундан бурунги асирлик ва истибдоддан қутилганликларини кўзда тутиб, Бухоро ва Хоразм қурултойларида бўлгон қарорға кўра, ҳар икки жумҳурият ўз мамлакатларига мундан сўнгра Бухоро амирлигига “Б.Ш. Ж.”, Хива хонлигига “Х. Ш. Ж.” деб ном берганликлари учун ушбу отлар билан аталмоқ тегиш кўриладур.

2-модда. Бурунги Бухоро амирлари билан Хива хонлари орасида бўлгон ҳар турли муҳим номаларни ҳар икки жумҳурият буткул эътибордан соқит деб санайлар.

3-модда. Х.Ш.Ж.да яшаган Б.Ш.Ж. тобеъларнинг хусусий мулк ва нарсалари Х.Ш.Ж. тарафидан қўриқланади ёхуд тескариси.



Б.Ш.Ж. ва Х.Ш.Ж тобелари ўрталарида чиққан даъво ва жанжаллар ҳар икки жумҳурият қонунларига мувофиқ, консулларнинг кенгашлари билан ҳал этилади.

4-модда. Х.Ш.Ж. билан Б.Ш.Ж.нинг ўз ораларидаги давлат ва мамлакат чегаралари бурундалигича қоладур.

5-модда. Х.Ш.Ж. билан Б.Ш.Ж. нинг ўрталаридаги чегараларни чизмок ва нишон қўймоқ керак бўлгонда, ҳар икки жумҳурият миллий ва иқтисодий аломатларига риоя этмаклари шарт. Икки тарафдан баробар ҳайъатга топширилади.

Қўшимча: Агарда, чегара кўл, дарё ва ариқдан келиб қолган чоқда, шунинг ўртасидан саналур. Чегарада бўлгон кўл, дарё ва ариқларда балиқчилик ва кемачилик қилмоқда ҳар икки тараф бир хил ютуққа эга бўлиб, ҳар икки тарафдан баробар тайин этилган бир ҳайъат мазкур ҳуқуқни белгилайди. Ҳайъатни ўзи эса, ҳар икки жумҳурият истаган чоқда чақирилғусидур.

6-модда. Х.Ш.Ж. ва Б.Ш.Ж. қонунларига мувофиқ, ҳар икки жумҳуриятнинг меҳнаткаш ва деҳқонларига ҳар икки жумҳуриятда ҳам сиёсий ҳуқуқ берилур.

Тескаричилар бўлса, уларни тегишли жумҳуриятга топширмоқни ўзларига тегиш деб билсинлар.

7-модда. Агарда Х.Ш.Жнинг бир уруғи ёки бир тобеъси ёки Б.Ш.Жнинг бир уруғи ёки бир тобеъси ҳар икки жумҳуриятдан бирининг тобеъси бўлмоқни истаган чоқда, ҳар икки тарафдан ҳам бутун дунё камбағаллари орасига сочилгон адолат шиори ва қонунига мувофиқ кичик ва майда миллатлар ҳуқуқини қўриқламоққа ҳар икки жумҳурият бурчлидур.



8-модда. Хоразм тобеълари Бухоро мамлакатада ва Бухоро тобеълари Хоразм мамлакатада маданият ва хуррият ҳуқуқида тенг ва баробар бўлиб, қайси мамлакатда ўлтирғон бўлсалар, шул мамлакатнинг қонун ва бўйруқларига бўйин эгарлар.

9-модда. Хоразм тобеъси Бухоро мамлакатада ва Бухоро тобеъси Хоразм мамлакатада вафот этса, қолган мол ва мулки, ўз жумҳуриятининг қонунига мувофиқ, ҳал этилмаги учун тегишли консулларга топшириладики, ҳар икки жумҳурият ўз бўйинлариға оладурлар.

10-модда. Ушбу шартноманинг бир ва олтинчи моддаларига мувофиқ, ҳар икки жумҳурият мамлакатларида хуррият ва инқилобларини мудофаа, хорижий ва доҳилий истиқлолларини муҳофаза этмақ мақсадларини биринчи даражада кўз олдида тутиб лозим топадурким, ҳар икки тарафнинг ёки Русия ва ёки бошқа шўролар ҳукуматиға қаршилиқ кўрсатмақ учун қурулғон ҳар бир ҳукумат, ташкилот ва жамият одамларига ўз мамлакатлари тупроғида йўл қўймасликлари лозим бўлғонидек, ул мақсад билан қўшин йиғмоқларига ҳам рухсат бермасдан, ундай одамларни ўз мамлакатларидан ҳайдамоқни ҳар икки жумҳурият ўз бўйинлариға оладурлар.

11-модда. Агарда Бухоро жумҳурияти Амударёдан янги ариқ ва каналлар қазмоқчи бўлса, ҳар икки жумҳурият фуқаро ва деҳқонларининг манфаатини кўзда тутиб, ҳар икки жумҳуриятдан вакиллар белгиланиб, иш қилиш керакдур.

12-модда. Ҳар икки жумҳурият бир-бирларининг саноат ва иқтисод жиҳатидан тараққий эттирмақ ишларини яхши йўлга қўймоқни тегиш кўрганликлари учун, мундан бошқа аҳднома боғлағайлар.

13-модда. Б.Ш.Ж. билан Х.Ш.Ж. бир-бирларига вакил юборурлар.



14-модда. Ушбу шартноманинг ҳар икки тарафдан тасдиқ қилинмоғи лозимдур.

15-модда. Ушбу шартнома ўзбек шеvasида икки нусха ёзилиб, қўл қўйилиб, тамғалангандан сўнг, биртадан нусхаси Х.Ш.Ж. ва Б.Ш.Ж. да сақланғусидур.

Имзо: Ҳожи Мирбобо Мирмуҳсин ўғли-БХШЖдан;
Назир Шоликор ўғли -ХХШЖдан.

“Бухоро ахбори”, 31-сон, 1921 йил 13 апрель.

Хива хайъати Бухорода

Туркистондан Хива жумҳуриятининг иккинчи фирка қурултойиға кетиб турғон Хива хайъати 5 апрелда Эски Бухорога келди. Эски Бухоро вокзалида аскарлар, ҳукумат кишилари муסיқа ила қарши олдилар. Хайъатнинг бошлиғи ўртоқ (Губнёр?) бўлиб, яна 3 киши бор. Булар бир марра митинг қилиб, яна нозирлар шўроси ва Марказий инқилоб қўмитасида мажлисларда бўлиб, турли ҳукумат кишилари томонидан сўзлар тингладилар. Хайъат 4 кун туриб, 9 апрелда кеч соат 4 дағи поезд ила Хивага кетдилар.

“Бухоро ахбори”, 91-сон, 1922 йил 20 июль.

Хива билан савдо

Нозирлар шўроси Хива Жумҳурияти билан савдо шартномаси қилишға қарор берди. Хабарларга қараганда, шартноманинг лойиҳаси тартиб этилган ҳамда яқин замонда тасдиқ учун тегишли ўринға топширилғусидур.

“Бухоро ахбори”, 111-сон, 1922 йил 19 ноябрь.

Хива Жумҳуриятидан вакил

Хива Жумҳуриятидан Бухоро Жумҳуриятига тайин қилинғон янги вакил ўртоқ Файзи Раҳмон ўғли Бухорога келди.



Шу вақтга Бухорода бўлгон Хива жумҳурияти вакили қайтадан Хивага чақирилгон.

“Бухоро ахбори”, 170-сон, 1923 йил 15 май.

Хива вакилига қизил юлдуз нишони берилди

Марказий ижроия кўмитанинг 5 майда чиқаргон қарорига биноан, Хоразм Жумҳуриятининг Бухоро вакилига қизил юлдуз нишони берилди.

Бухоро ахбори, 166-сон. 1923 йил 5 май

Ҳавода учиш ишлари

Халқ нозирлар шўроси нозир Ф.Хўжа Маскавдалигида Бухоро, Хива, Туркистон жумҳуриятлари билан ҳаво йўли масаласида шартнома тузган. Аэропланларнинг йўналиши: Бухоро-Душанбе-Хива-Тошкент-Олмаота бўлади. Бу ишга масъуллар Русия шўролар жумҳурияти ва пахта кўмитаси.

Меҳнат шўросида 16 апрелда Бухоро томонидан 50 000 сўм пай ажратиш масаласи кўрилган ва Маскавга хабар юборилган.

Бухоро ахбори, 175-сон. 1923 йил 19 июн

Тўртта ҳаво кемаси

“Ихтиёрий ҳаво флоти”га Бухоро 50 000 сўм пай билан қатнашди. Биринчи навбатда Тошкент-Олмаота, Бухоро-Хива, Бухоро-Душанбе йўналишлари учун “Юнкерс” (Германия)дан 4 та тайёра сотиб олинди. 2 таси 1 августда Бухорога келади. Бу тайёралар 85 от кучи билан 160 км\соат тезликда учади. 6 ўриндан иборат бўлиб, 32 пуд юк олади. Бухоро-Хива 2 соат 15 дақиқа, одам боши 50 сўмдан. Бухоро-Душанбе 2 соат 20 дақиқа.

Халқ ташаббуси билан тўпланаётган пуллардан яна аэроплан сотиб олмак зарур. Меҳнат шўроси ва Бухоро савдоганлари уюшмаси ташаббуси билан “Бухоро ҳаво флоти дўстлари жамияти” ҳам очилди. 9 июнда



ташкilot бюроси тузилди, унга: раис – Мирзо Муҳиддин Мансуров, аъзолар – Ҳожи Мирзабой, Усто Нур, Жўра Карвон, ҳукуматдан М.Саиджонов бор.

“Бухоро ҳаво флоти дўстлари жамияти”нинг мақсади- яна 4 та ҳаво кемаси сотиб олиш учун оқча тўпламоқ (бу иш учун 140 000 сўм олтин керак). Биринчи йўли – ионалар йиғиш, иккинчи йўли – акция (пай)лар тарқатиш, ҳеч бўлмаганда одамларни 1 сўмлик акцияси бўлсун.

Бухоро ахбори, 205-сон. 1923 йил 23 сентябр

Ҳаво йўллари очмоққа ҳозирлик

Ҳаво йўллари очмоққа ҳозирлик муносабати билан 3 кишилик комиссия тузилган, бу комиссия 5 кун ичида Бухоро-Хива, Бухоро-Шарқий Бухоро ўртасида ҳаво йўллари ўтказмак иши юзасидан смета тузиб, иқтисод шўросига топширмоғи керак.

Озод Бухоро, 43-сон. 1924 йил 24 феврал.

Ипак ширкати ҳақида

Бундан бир неча вақт илгари савдо ва саноат назорати, 1-ширкат ҳамда рус-Бухоро ширкати иштироки билан пуллик ипак ширкати тузмакка қарор берилган эди. Ҳозирда савдо ва саноат назоратининг ҳайъати Туркистон ипак ширкати Туркистон, Бухоро ва Хива жумҳуриятларида иш кўргани учун Бухорода алоҳида ипак ширкати тузмакни мувофиқ топмади. Шунинг билан баробар савдо шўъбасига Бухоро ипакчиларни ипак қурти уруғи ва бошқа нарсалар билан таъмин қилмак ҳақида Туркистон ипак ширкати билан сўйлашмакка таклиф қилинди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бухоро ахбори. 39-сон. 1921 йил 7 июн; 41-сон. 30 июн; 135-сон. 1923 йил 28 феврал.
2. Бухоро ахбори. 70-сон. 1922 йил 11 феврал.
3. “Бухоро ахбори”, 70-сон, 1922 йил 11 февраль.
4. “Бухоро ахбори”, 31-сон, 1921 йил 13 апрель.
5. “Бухоро ахбори”, 91-сон, 1922 йил 20 июль.
6. “Бухоро ахбори”, 111-сон, 1922 йил 19 ноябрь
7. “Бухоро ахбори”, 170-сон, 1923 йил 15 май
8. Бухоро ахбори, 166-сон. 1923 йил 5 май
9. Бухоро ахбори, 175-сон. 1923 йил 19 июн
10. Бухоро ахбори, 205-сон. 1923 йил 23 сентябр
11. Озод Бухоро, 43-сон. 1924 йил 24 феврал